



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
29.09.97 465-1 сонли таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси  
Давлат таълим йўналишининг 07.02.2017- йил санасидаги қийўум йиғилиш

07.02.2017.

БАЁННОМАСИ /кўчирма/

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.97. 465-1 таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Давлат таълим йўналиши, 2001 йилдан буён таълим йўналишида фаолият юритиб келаётган, Андижон вилояти Андижон шаҳар Университет кўчаси 129-уй, hozirda Андижон шаҳар Амир-Темур шох кўчаси 6-уй манзилида жойлашган, “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 корхонаси”ни таркибга олиш, хусусий шерикчилик асосида бириктириш, “Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказини” ташкил қилиш ишлаб чиқилган умумлашган низомини тасдиқлаш тўғрисида.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тўғрисидаги қонуни, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим, халқ таълими, олий таълим шунингдек, тиббий таълимга таалуқли бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг барча қарорлари, фармонлари, фармойиш ва буйруқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4341-сонли 7-февраль 2017 йилдаги, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устивор йўналиш ҳаракат стратегияси тўғрисидаги фармони, ҳамда 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида 2016 йил 29-декабрдаги ПК-2707-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон республикасида шошилиш тез тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш борасидаги иновацион ўқитиш услубларни ташкил қилиш, таъминлаш мақсадида; “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Давлат таълим йўналиши Андижон вилояти Андижон шаҳар, Университет кўчаси -129 уй hozirda Андижон шаҳар Амир-Темур шох кўчаси 6-уй манзилида жойлашган,”Тезкор-21 кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий корхонасини” таркибга олиш, хусусий шерикчилик асосида бириктириш, “Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази”ни ташкил қилиш, ишлаб чиқилган умумлашган низоми тасдиқлансин.

1. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда, оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор – 21 маркази моҳияти ва мазмуни юзасидан, тарғибот ташвиқот ишларини кенг ёритсинлар.

2. Тезкор-21 марказ тизимида услубий илмий кенгаш ташкил қилиниб, олий аттестация комиссияси номига маълумотнома киритиш белгилаб қўйилсин, эслатиб ўтилсинки, услубий илмий кенгашга, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари олийгохлари, Давлат Педагогика университетлари, Андижон Тиббиёт институти, Андижон Машинасозлик институти ва Андижон қишлоқ хўжалик институтлари профессор ўқитувчилар жамоасидан ҳамда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари таълим бошқармаси тассаруфидаги коллежлар, лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим бошқармасига бўйсинувчи муассасалардан, энг илғор тажрибали педагог ходимлар, гуруҳ аъзолар рўйхати шакллантирилсин.

а/ Эслатиб ўтилсинки, мазкур қарорнинг 2/икки/нчи бандида кўрсатиб ўтилган услубий илмий кенгашнинг шаклланган аъзолари иштирокидаги умумий йиғилиш қароридан келиб чиқиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти олийгохлари, Давлат педагогик Университетлари, Андижон Давлат тиббиёт институти, Андижон машинасозлик институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти, вилоятлар таълим бошқармаларига бўйсинувчи коллеж, лицей ва мактаб ўқитувчи ходимлар учун техника фанлари ва технологик таълим йўналишида, замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда “малака ошириш” ҳамда “қайта тайёрлаш” қисқа муддатли курсларини ташкил қилиш, курсни муваффақиятли битирган тингловчиларга “гувоҳнома”лар ва “сертификат”лар тақдим қилиш, шунингдек, Тошкент Ирригация университети ва ўсимликларни ҳимоя қилиш Республика илмий текшириш институти профессор олимлар билан ҳамкорликда, қишлоқ хўжалик экинлари, пахта ва полиз экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экспорт боп экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш борасида қишлоқ хўжалик фермер хўжаликлари раҳбарлари учун бир йилда бир марта, ритмик равишда машғулотлар ташкил қилиниб, таъсис этилган махсус реестр 0000000 тартиб рақамдан бошлаб, “гувоҳнома” ва “сертификат”ларга буюртма бериш, босмадан чиқариш, ҳисобга олиш, тарқатиш жавобгарликлари “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази” маъмуриятининг раҳбари зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг ёшлари ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор - 21 маркази, 2001-йилдан буён таълим йўналишида фаолият юритиб келаётган, Андижон шаҳар, Университет кўчаси-129 уй, ҳозирги Андижон шаҳар, Амир-Темур шох кўчаси-6 уй манзилида жойлашган, Тезкор-21 илмий ўқув ва услубий қорхонаси низомининг 2.2. бандида кўрсатиб ўтилган “Барча турдаги ўқув курсларини ташкил қилиш ва ўқитиш, ўқиш тугагандан сўнг уларга махсус “гувоҳномалар” бериш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиб, янги иновацион ғоялар асосида, таҳсил олувчи гуруҳлар учун

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси соғломлаштириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшларни касб-хунарга йўналтириш маркази, Ўзбекистон Республикаси қизил ярим ой жамияти томонидан таъсис этилган, тиббий мутахассислар тайёрлаш ўқув дастурлари тавсиялари асосида вилоятлар халқ таълими таркибидаги ўрта мактабларнинг 9, 10 ва 11-синфида тахсил олувчи ўқувчиларнинг, Давлат таълим дастурлари асосида мактаб дарс машғулотларини бажарганларидан сўнг мактабдан ташқари, ўқиш истагини билдирган хохловчи ўқувчи ота-оналарининг аризалари ва розилик хатларига биноан шунингдек, вояга етган бошқа фуқаролар учун ҳам эркин ҳолда контракт-шартнома асосида тиббий йўналишда ҳар бир фуқаронинг билиши зарур бўлган, “Фуқароларга шошилинч биринчи тез тиббий ёрдам бериш” фельдшер ҳамшира, фельдшер-доришunos фармацевт ҳамда тиббиётда қўлланиладиган барча жихозлар, электрон асбоб ва ускуналар операторлари мутахассисликларини тайёрлаш учун янги инновацион услубда Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий таълим йўналиши инновацион касб хунар ёхуд ҳамширалар тайёрлаш маркази ташкил қилинсин.

а/ Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий таълим йўналиши инновацион касб-хунар ёхуд ҳамширалар тайёрлаш марказининг, фельдшер ҳамшира, фельдшер доришunos-фармацевт ҳамда барча тиббий жихозлар электрон асбоб ускуналар оператори мутахассислиги бўйича ўқишни муваффақиятли битирган ўқувчиларга битирганлик ҳақидаги таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси давлат герби” туширилган “АН” серияда /олтита ноль/ 000000 тартиб рақамидан бошланган диплом ҳужжати тақдим этилсин, эслатиб ўтилсинки ҳужжат олган талабалар ҳар 3/уч/ йилда ўз мутахассислиги бўйича Тезкор-21 марказида мажбурий малака ошириш курсини ўташликлари белгилаб қўйилсин, малака ошириш курсини ўтаган мутахассис тингловчиларга Давлат рўйхатидан ўтган махсус “Гувоҳнома” ёхуд “Сертификат” билан тaminланиши белгилаб қўйилсин.

б/ Тақдим этиладиган диплом, сертификат ва гувоҳнома ҳужжатларини рамиёлаштириш, Давлат босмахоналарига буюртма бериш, ҳисобга олиш ва тарқатиш жавобгарлиги, шахсан “Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши Тезкор-21 марказ” раҳбари зиммасига тўла юклатилсин.

в/ Мазкур қарорнинг 2.а., 3 ва 3.а, б, в бандларида кўрсатилган Давлат босмахоналарига расмий ҳужжатларга буюртма бериш, ҳисобга олиш ва тарқатиш, Андижон шаҳар ҳокимлигининг “Таълим” йўналиши бўйича рўйхатга олинган 8832 реестр рақамидаги 05.03.2001/123-к қарори асосида Андижон вилояти Андижон Давлат солиқ бошқармаси томонидан берилган 09.03.2001 санадаги “гувоҳнома”, Андижон вилояти Андижон шаҳар статистика бошқармасининг 02.03.2001 йилдаги 123-к рақами билан Давлат рўйхатга олиниб, 203534482 идентификация рақамига эга бўлган “Тезкор-21 кенг йўналишли илмий уқув ва услубий корхонаси” томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

г/ Тезкор-21 маркази ҳар уч /3/ йилда янги инновацион ғоялар асосида ташкил этилган инновацион услубдаги мутахассислик тиббий машғулотларининг

хисобот натижаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ўз таклифларини киритиш белгилаб қўйсин.

4. Шунингдек; “Енгил ва оғир юк автомобилларини таъмирлаш ва сервис хизмат кўрсатиш”, “Компьютер, Видео техника ва алоқа мобил жихозларини ўрганиш” ҳамда пайвандловчи мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни касб хунарга ўргатиш Давлат таълим стандартлари асосида қисқа муддатли бошланғич мутахассислик курслари ташкил қилинсин.

а/Мулкчилик шаклидан қатъий назар вилоятлар, туман ва шаҳарларида фаолият олиб бораётган косметологлар, гўзаллик салонлари ва эркак ва аёллар саргарошхона касб-хунаромандлари ҳамда ишлаб чиқариш ишчи ходимлари учун Давлатимизга касалликларни кириб келишини олдини олиш, профилактика қилиш мақсадида, юкумли касалликлар, тери таносил касалликлари, спид маркази ҳамда санитария эпидемиология назорат маркази врач мутахассислари билан ҳамкорликда эпидемиологик назорат табиат ўзгаришларини ҳисобга олиб ҳар йили бир марталик тиббий санитария машғулотлари ташкил қилиш режалаштирилсин.

б/Қисқа муддатли бошланғич мутахассисликларни тугатган ва тиббий санитария машғулотларини муваффақиятли тўла ўтаган тингловчиларга Тезкор-21 марказининг ички таъсис этилган “маълумот ценз” хужжати тақдим этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, ички ишлар бўлимларига “Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази” матнидаги эскиз асосида Ўзбекистон Республикаси герби туширилган думалоқ муҳр ва тамға тайёрлашга рухсат берилсин.

6. Услубий илмий кенгаш аъзоларига бурч, вазифалари ва мажбуриятлари белгилаб чиқилсин ва тушинтириш ишлари олиб борилсин.

7. Йил давомида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатиб келаётган олийгоҳлар, коллеж, мактаблар, лицей ва гимназиялар ҳамда спорт мактаблари педагог ходимлари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг методист ўқитувчилари томонидан яратилаётган инновацион ғоялар, илмий ва услубий мақолалар, адабиётлар, дарс ишланмалари, сахнаномалар, услубий қўлланмалар, шеърӣ тўпламлар мажмуини, услубий илмий кенгаш раёсати реестрига киритиш, фан кесимлари бўйича услубий илмий кенгаш мутасадди мутахассислар томонидан кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, оксоқликлар ва камчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этиш, ёрдам бериш, педагоглар томонидан яратилган инновацион янгилликларни услубий илмий кенгаш муҳокамасига тақдим қилишларини белгилаб қўйилсин.

8. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг соғлигини ҳимоя қилиш, уларга тиббий ёрдам бериш соғлом ва хавфсиз тўғри овқатланиш маданиятини ўрганиш мақсадида, мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган мутахассис хамширалар, ошпазлар, методист ходимлар, тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячиларнинг касб-кўникмаларини ошириш мақсадида; Андижон тиббиёт институти, Наманган


ва Фарғона тиббиёт коллеж профессор олимлари ҳамда туман ва шаҳар худудида жойлашган болалар шифохонаси диетолог врач мутахассислари билан ҳамкорликда қисқа муддатли тиббий назарий ва амалий машғулотларни ташкил қилиш назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказ ва унинг тизимидаги услубий илмий кенгашнинг сервис ва бошқа хизматлардан тушум пул маблағлари, Андижон шаҳар ҳокимлиги рўйхатидан ўтган 8832 реестр рақамидаги 05.03.2001/123-к қарори асосида Андижон Давлат солиқ бошқармасининг 09.03.2001 санадаги гувоҳномаси, Андижон вилояти статистика бошқармасининг 02.03.2001 йилдаги 123-к рақами билан Давлат рўйхатига олиниб, 203534482 идентификация рақамига эга бўлган “Тезкор-21 кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий корхонаси”нинг Давлат банк реквизит ҳисоб рақамига йўналтирилиб, маъмурият ходимлари ва ўқитувчи ходимлар ҳамда услубий илмий кенгаш аъзоларига ойлик маошлар ва рағбатлантириш ишлари, ўқув биносини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ўқув жихозлари ва куроллари билан таъминлаш, Давлат солиқларини тўлаш каби сарф харажатлар Андижон шаҳар “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 корхонаси” ҳисобидан амалга оширилсин.

10. Йўғилиш баённомасида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни тўла тўқис бажариш ваколатини ва тасдиқланган низом асосида фаолият юритиш, назорат қилиш мажбуриятларини, Андижон шаҳар, Амир-Темур шох кўчаси-6 уй манзилида жойлашган “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор – 21 корхонаси” маъмурияти зиммасига тўла юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси

Давлат таълим йўналиши:



А. Вазиров.





Ўзбекистон Республикаси Президентининг

29.09.97. 465-1 сонли таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси

Давлат таълим йўналиши кийўум

ANDIJON VILOYATI IIB EKV  
TEKSHIRILDI



ТАҚДИМЛАЙМАН:

А.Вазиров.

ASLIGA TO'G'RI

02 2017 йил

Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналиши илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказ тўғрисида

### НИЗОМ /кўчирма/

Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисида ва кадрлар тайёрлаш миллий дастур тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, ташкил этилган “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази” унинг тизимидаги услубий илмий кенгашнинг асосий мақсади ва вазифалари унинг фаолиятини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

### Умумий қоидалар

1. Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази ва унинг тизимидаги услубий илмий кенгаш /кейингида Тезкор-21 маркази деб юритилади/, таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш шунингдек барча таълим муассасаларининг таълим методик ва инновацион фаолиятини таъминлаш юзасидан методик хизматни амалга оширадиган орган ҳисобланади, услубий илмий кенгаш фаолияти Тезкор-21 маркази тизимида бўлиб, Тезкор-21 ўқув корхонаси балансида ташкил этилади, услубий кенгаш низоми талаблари барча умум таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади.
2. Тезкор-21 маркази ва унинг тизимидаги услубий илмий кенгаш, таълим йўналишида миллий кадрлар тайёрлаш, педагогик жамоанинг инновацион тажриба синов таълими тарбия жараёнларини ривожлантириш, шунингдек халқ таълими ва мактабгача таълим муассаса тарбияланувчилари мутахассис ҳамширалар, тарбиячилар методист ходимлар патронажлар ҳамда муассасада фаолият олиб боровчи ўқитувчи педагог-ходим логопед ва дефектолог мутахассислар учун

Республика микёсидаги тиббиёт академияси, малака ошириш илмий институтлар, тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган олим ва профессор мутахассислар иштирокида мувофиқлаштирувчи қисқа муддатли амалий ва назарий машғулотларни ташкил қилади.

3. Ўзбекистон республикаси Давлат таълим йўналиши Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази ҳамда унинг тизимидаги услубий илмий кенгаш, Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси парламентарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ва буйруқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига ва ушбу низомнинг бошка норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

4. Тезкор-21 маркази ва унинг тизимидаги услубий илмий кенгашнинг мақсади, олий таълим, халқ таълими ва мактабгача халқ таълими муассасалари ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ошириш ва ривожлантириш, касбий маҳоратини ўстириш ҳамда методик ишларга тез мослашувчанлигини таъминлашдан иборат.

5. Таълим тарбия сифатини ошириш учун зарур бўлган методик фаолиятини мувофиқлаштириш педагог ходимларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш.

6. Олий таълим, халқ таълим ва мактабгача халқ таълими муассасаларининг ўқув дастури, ўқув режаси ва унинг ривожлантиришда, педагог ходимлар томонидан ишлаб чиқилган янги иновацион дарс ишланмалари, илмий мақолалар, илмий адабий ва услубий қўлланмалар, сахнаномалар, шеърий тўпламлар, ўқув адабиётлар мажмуини услубий кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда ўрганиш, таҳлил қилиш, оқсоқликлар ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, ўқитувчи педагогларга ёрдам ва кўмаклар уюштириш яратилган янги инновацион ғояларни китоб шаклида нашрдан чиқариш ва тарғиб қилиш.

7. Таълим муассасаларининг ўқитувчиларига, замонавий педагогик технологияларни, таълим методлари шакли ва воситаларини излаб топишга, кўмаклашиш, дарс жараёнида қўллашга шароит яратиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва таълим жараёнларида ютуқларга эришаётган педагогик ходимлар фаолиятини қўллаб қувватлаш.

8. Ўқитувчилар билими, кўникма ва малакаларини давлат таълим стандартига мослигини ўрганиш, таҳлил қилиш, рейтинг мониторинг қилиш ва натижаларга кўра аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича ўз тавсияларини бериш.

9. Педагог ходимларнинг охириги уч /3/йилдаги иш натижаларини тахлил қилиб бориш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш, педагог ходимлар ва услубий кенгаш аъзоларига методик ишларни сарали ташкил этиш.

10. Педагог ходимларнинг иновацион фаолиятини ташкил қилиш уларнинг ижодий изланишлари учун семинарлар, тренинг машғулотлар, педагогик технологиялар бўйича дарсларни уюштириш.

11.Тезкор -21 марказ таълим муассасаси педагогик ходимларнинг касбий-кўникма ва малакаларини оширишни ташкил этишда фаол катнашади.

12. Педагогик ходимларнинг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятларини тахлил қилиш, уларнинг малакасини ошириш курси давомида олган билимлари асосида ўқув семинарларини ташкил қилиш, уларнинг иш режаси асосида ижодий хисоботларини мувофиқлаштириш бўйича кўмак бериш.

13. Тезкор-21 маркази ва унинг тизимидаги услубий илмий кенгаш, Республика малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари билан ҳамкорликда Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти олийгохлари, Давлат педагогика институтлари ва Университетлари, Андижон машинасозлик институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти, вилоятлар халқ таълими, мактабгача таълим бошқармаларига бўйсинувчи коллеж, лицей ва мактаб ўқитувчи ходимлар ва ҳамширалари учун малака ошириш ҳамда “техника фанлари” йўналишида ҳам малака ошириш курс машғулотлари Давлат таълим стандартлари асосида ташкил қилиниб, шунингдек, Тошкент Ирригация университети ва ўсимликларни химоя қилиш Республика илмий текшириш институти профессор олимлар билан ҳамкорликда, қишлоқ хўжалик экинлари, пахта ва полиз экинларини зараркунандалардан химоя қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экспорт боп экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш борасида қишлоқ хўжалик фермер хўжаликлари раҳбарлари учун доимий ритмик равишда бир ҳафта /7/ кун 42 /қирк икки/соатлик машғулотлар ташкил қилади, машғулотларни битирган тингловчиларга 0000000 /етита ноль/ рақамидан бошланган расмий хужжат “гувоҳнома”лар тақдим қилади, “гувоҳнома”лар ёки “сертификат”лар учун босмаҳоналарга буюртма бериш, хисобга олиш, сақлаш, тарқатиш мажбуриятлари “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази” раҳбари зиммасига юкланади.

14.Тезкор-21 марказ маъмурияти фуқароларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, икки томонлама шартнома хужжат бандларида кўрсатилган қоидалар бўйича амалга оширади.

15. Тезкор-21 илмий ўқув ва услубий марказ тизимида ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий таълим йўналиши иновацион касб-хунар ёхуд ҳамширалар тайёрлаш маркази, мактаб ўқувчиларининг мактаб дарсларидан бўш пайтларида, ўқувчи отаси онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар билан ёзма аризаси ва розилик хатлари асосида контракт шартнома асосида, мактаб дарсларидан бўш пайтларида ҳар бир фуқаронинг билиши зарур бўлган “Фуқароларга шошилишч биринчи тез тиббий ёрдам бериш”, ҳамширалик иши фельдшер ҳамшира, фельдшер доришунос-фармацевт, ҳамда тиббиётда қўлланиладиган барча тиббий жихозлар электрон асбоб ускуналар оператор мутахассисларини тайёрлаш янги иновацион услубда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари Давлат таълим стандартлари: **Oz DSt 1.0. 1998 ЎзРст 1.8-94 Oz DSt 1.9 1995** асосида амалга оширилади. Фельдшер доришунос фармацевт ва тиббий жихозлар электрон асбоб ускуналар оператор мутахассисларини тайёрлаш учун махсус ўқув дастурлари асосида амалга ошириш кўзда тутилган. Фельдшер ҳамшира мутахассислиги учун қуйидаги фанлар: Фармокология, Латин тили, Анатомия, Тиббиёт генетикаси, икробиология, Валеология, Тиббиёт психологияси, Ҳамширалик иши, Акушерлик, Жамоада ҳамширалик иши, Педиатрия, Терапия, Асаб наркология, Хирургия реанимация, Тери таносил, Офтальмология, Юқумли касаллик, Фавқулудда ҳолат, Геронтология, Ишлаб чиқариш амалиёти, Диплом олиш амалиёти тиббий ўқув машғулотларини ташкил қилади, /фанлар ва соатлар давр талаблари асосида фуқароларни соғлигини сақлаш даврий тавсияномаларига биноан ўзгариши мумкин/ курсни муваффақиятли битирган ўқувчиларга таъсис этилган бошланғич /олтита ноль/ 000000 рақамидан бошланган “ДАВЛАТ ГЕРБИ” туширилган “АН” серияда ҳамширалик иши фельдшери мутахассислиги бўйича “диплом” расмий ҳужжати тақдим этилиб, мутахассислик диплом ҳужжатини олган талабалар Тезкор-21 илмий ўқув услубий марказида ҳар 3/уч/ йилда ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш курсини ўтайдилар, малака ошириш курсини муваффақиятли ўтаган тингловчиларга марказ рўйхатидан ўтган бошланғич /етита ноль/ 0000000 рақамидан бошланган Сертификат ёхуд Гувохнома расмий ҳужжати тақдим этилади. “Сертификат”, “Гувохнома” ва “Диплом” расмий ҳужжатлари учун босмаҳоналарга буюртма бериш, ҳисобга олиш, тарқатиш “Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази (корхонаси)” маъмурияти раҳбари зиммасига юкланади.

а/. Шунингдек; “Енгил ва оғир юк автомобиллари ҳамда фуқароларни ташиш автомобилларини таъмирлаш ва сервис хизмат кўрсатиш”, “Компьютер, Видео техника ва алоқа мобил жихозларини ўрганиш компьютер диагностика дастурларини тузиш” ҳамда пайвандловчи мутахассисларни тайёрлаш, бўйича

Давлат таълим стандартлари асосида қисқа муддатли бошланғич мутахассислик курсларини ташкил қилиш,

б/ хошиш истак билдирган барча фуқаролар учун шартнома асосида хорижий Туркий, Араб, Инглиз, Корейс, Япон, Хитой, Немис ва бошқа Шарк мамлакатларининг тилларини ўргатиш,

в/ мулкчилик шаклидан қатъий назар вилоятлар, туман ва шаҳарларида фаолият олиб бораётган косметологлар, гўзаллик салонлари ва эркак ва аёллар сартарошхона касб-хунармандлари ҳамда ишлаб чиқариш ишчи ходимлари учун эркин ҳолда, Давлатимизга касалликларни кириб келишини олдини олиш, профилактика қилиш мақсадида, юқумли касалликлар, тери танолил касалликлари, спид маркази ҳамда санитария эпидемиология назорат маркази врач мутахассислари билан ҳамкорликда тиббий санитария машғулотлари ташкил қилиш режалаштирилиб низомнинг а/,б/ ва в/ пунктларида зикр этилган мутахассисликлар учун марказнинг ички таъсис этилган “маълумот ценз” хужжатини тақдим қилади.

16. Марказнинг моддий-техник ва кадрлар таъминотини, Тезкор-21 марказ маъмурияти томонидан белгиланади

17. Қисқа муддатли ўқув гуруҳларида ҳафтасига бир /1/ кунда уч /3/ соатгача дарс машғулотларини бажариш тартиблари жорий этилади.

18. Табiiй офатлар эпидемиологик вазиятлар нохушликлар рўй берганда ёхуд Тезкор-21 марказининг молиявий аҳволи ёмонлашган тақдирда, қисқа муддатли курс дарсларини вақтинча тўхтатиш шартнома хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Педагогик жамоанинг, таълим тарбия жараёнини ривожлантиришга ва амалиётда қўллашга йўналтирилган тажриба синов, илмий тадқиқот, инновацион ижодий фаолиятига оид ташаббусларини қўллаб қувватлаш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриш.

20. Педагогик ходимлар ва мактабгача таълим муассасаларидаги ҳамшира ва патронаж ходимлар ҳамда методист ходимларни билимлари ва кўникмаларини ошириш ва керакли адабиёт, янги инновацион ғоялар билан таништириш учун мутахассислар томонидан бажарилган илмий мақолалар ва адабиётларни нашр қилиш, илмий методик дидактив материаллар ўқув дастурлари билан таъминлашни амалга оширади.

21. Халқ таълими ва мактабгача таълим муассасаси ҳамшира тиббиёт ходимлари учун муассаса болаларининг жисмоний ривожланиши учун биринчи тез тиббий ёрдам бериш, даволаш, профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария

қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, овқатланиш маданияти режими ва сифатига риоя қилиш, жараёнлари бўйича тиббиёт ходимлари, профессор олимлар, ўқитувчилар, болалар поликлиникаси ва шифохоналарда фаолият олиб бораётган врач мутахассислар, ҳамкорлигида доимий ритмик равишда қисқа муддатли амалий машғулотлар курсини ташкил қилади ва ривожлантиради.

**22.** Ишлаб чиқаришнинг иновацион ғоялари асосида, Республика микёсидаги барча ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари учун қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш, вилоятнинг туман ва шаҳар маҳаллий ҳокимликлари рўйхатида мужассамлаштирилган маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар раиси, котиб, маслаҳатчи ва раис лавозимида фаолият кўрсатаётган ходимлар учун Давлатимиз Президенти томонидан чиқарилган буйруқлар қарор ва фармонлар шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган ҳукумат қарор ва буйруқларини асл моҳияти мазмуни туғрисида мутахассис олимлар иштирокида машғулотлар ташкил қилиш.

**23.** Илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар асосида, дарс ўтишнинг янги методларини синовдан ўтказиш, таълим соҳасидаги таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

**24.** Мулкчилик шаклидан қатъий назар Республика ҳудудидаги барча туман ва шаҳарларда фаолият олиб бораётган дорихоналар ишчи фармацевт ходимлари учун замонавий фармацевтик доришунослик йўналишида амалий машғулотлар ташкил қилади.

**25.** Вилоятдаги барча туман ва шаҳарларида ташкил қилинган савдо сотик бозорларда фаолият юритаётган мулкчиликдан қатъий назар, барча яққа тартибдаги ҳамда жамоа тартибидаги тадбиркорларнинг ҳақ ҳуқуқлари, бурч ва вазифалари, мажбуриятлари туғрисида тушунчалар олиб бориш.

**26.** Муассаса корхона ва ташкилот ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ва олий мажлис томонидан лойихалаштирилган янги қонун қоидалар қарорлар, фармон ва буйруқлар ҳақида тушунчалар бериб, маърузалар ташкил қилиб боради.

**27.** Ташкил этилган Тезкор-21 марказ тассаруф этиш тугатиш ва қайта тиклаш ҳуқуқига эга.

**28.** Тезкор-21 маркази, хўжалик ҳисобида пуллик сервис хизматлар кўрсатади, ишлаб топилган маблағлар, маҳаллий ҳокимят рўйхатидан ўтган Тезкор-21 ўқув корхонаси ҳисоби, Давлат банкига тушум қилинади, молиявий харажатлар, ишчи ходимларга ҳақ тўлаш Тезкор-21 корхонаси ҳисобидан амалга оширади.

**29.** Услужбий илмий бирлашмалар ҳисоботини эшитиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

**30.** Иновацион дастурлар тузиш, Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳамда Тошкент Ирригация университети ўсимликларни ҳимоя қилиш Республика илмий текшириш институтлари профессор олимлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик экинлари пахта ва полиз экинларини зарарли кунандалардан ҳимоя қилиш тупрок унумдорлигини ошириш селекция йўналишида қишлоқ хўжалик фермер хўжаликлари раҳбарларига кенг мазмундаги қисқа муддатли курслар ташкил қилиш йўлга қўйиш, диагностик таҳлил қилиш.

**31.** Педагогик ходимлар томонидан ишлаб чиқилган илмий ўқув ва услубий қўлланмалар, адабиётлар, дарс ишланмалар, сахнаномалар мажмуини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, услубий кенгаш томонидан кўриб чиқилиб энг яхши деб топилган илмий ва услубий ишлар муаллифларини рағбатлантириш.

**32.** Мактабгача таълим муассасаларидаги методист ходимлар иштирокида тарбияланувчиларнинг /кейинги ўринларда “болалар” деб юритилади/, жисмоний ривожланиши, ўз-ўзига хизмат ва гигиена ижтимоий коммуникатив ривожланиш, нутқ ўқиш ва чет тилларни ўрганиш, билиш жараёни дунё ҳақида билимлар ва дунёни англаш, ижодий эстетик ривожланишини таъминлашга йўналтирилади.

**33.** Ташкил этилган таълим йўналишидаги, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази матнидаги Ўзбекистон Республикаси герби туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига эга бўлади.

**34.** Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчи болаларни ҳар томонлама интеллектуал ахлоқий эстетик ва жисмоний ривожлантириш.

**35.** Болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш, болаларда юксак маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, таълим тарбия жараёнига, таълим дастурлари ва технологияларини жорий этишга интилади.

**36.** Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказини ташкил этиш ва унинг низоми қарор асосида шакллантирилади ишлаб чиқилган низомга биноан Давлат таълим стандартлари асосида мос равишда фаолият юритади.

**37.** Маҳаллий ҳокимят томонидан рўйхатга олинган, Андижон Тезкор-21 ўқув қорхонаси ўз низомига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказининг ишлаб чиқилган низомига мувофиқ фаолият кўрсатишларини белгилаб қўйилади.

38. Тезкор-21 маркази юқорида зикр этилган, илмий ўқув ва услубий қўлланмалар, сахнаномалар, шеърый тўпламлар мажмуини ривожлантириш ва тассаруфдаги услубий кенгаш раёсати реестрига киритиш учун мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчи педагог ходимлар сонига нисбатан, ҳар 20-та педагог ходим учун иш юритувчи ишчи ячейка гуруҳларини ташкил қилади ва улар учун махсус қисқа муддатли ўқув машғулотларини ташкил қилади.

39. Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим йўналиши Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий Тезкор-21 маркази, Андижон маҳаллий ҳокимият рўйхатидан ўтган, Тезкор-21 Кенг йўналишли илмий ўқув ва услубий корхонаси мол мулкидан тенг ҳуқуқли равишда фойдаланади.

40. Услубий илмий кенгаш котиби кенгаш аъзолари орасидан тайинланади. Услубий илмий кенгаш фаолияти, Тезкор-21 маркази раҳбари томонидан назорат қилинади.

41. Услубий илмий кенгаш фаолияти иш режаси асосида ташкил этади ва унинг бошқарувчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

42. Услубий илмий кенгаш йиғилиши, ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, йиғилиш баённомаси котиб томонидан юритилади, йиғилиш раиси ва йиғилиш аъзолари томонидан имзоланади.

43. Баённомаларни, йил санаси, рақамлари тўғрисидаги маълумот қайд этиш, дафтарига ёзиб борилади, дафтар ип ўтказилиб тикилади, раҳбар томонидан тасдиқланади ва муҳрланади.

44. Ўқув, маънавий маърифий ва бошқа йўналишлар муҳокама қилиб борилади.

### **Ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Тезкор-21 ўқув ва услубий маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга.

- Ўқув муассасасининг ўқув жараёнини ривожлантиришда иштирок этиш.

- Педагог ходимлар илғор ишларини оммалаштиради ва ўқув жараёнини такомиллаштиришга иштирок этиш, ўқув йили якунида муассаса, ўқув, илмий, маънавий-маърифий илмий методик ва тажриба синов ишларида фаол катнашиб келган педагогларни моддий рағбатлантиради.

- Тезкор-21 марказини тугатиш шунингдек маъмуриятни Республиканинг бошқа шаҳар ва туманларга кўчирилиши лойиқ деб топилганда ёки унинг молиявий ахволи ёмонлашган тақдирда ёхуд табиий офатлар эпидимеологик ўзгаришлар содир бўлганда бухгалтерия хужжатларини назоратдан ўтказгандан сўнг ўз фаолиятини тўхтатади.

- Ўқитувчининг малака тоифасини оширишга ўз таклифларини беради.
- Тезкор -21 маркази, ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида чоралар кўриб чиқади.
- Ҳар чоракда фаолият юзасидан ҳисоботлар бериб боради ва ҳисоботлар жилди топшириб архивга топшириб борилади.
- Таълим тарбия ишларини ривожлантириш ҳақида тавсияларни тақдим этиб боради.
- Янги ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича, илмий ва услубий педагогик изланишлар олиб боради.
- Педагогик ходимларга оид норматив ҳуқуқий ва методик ҳужжатлар юзасидан тушунтиришлар ва кўрсатмалар бериб боради.
- Ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг исми ва фамилиялари отасининг исми гуруҳлар марказ буйруғи бўйича расмийлаштирилиб синф журналлари юритилади ва йилнинг охирида синф журналлари гуруҳларга маъсул қилиб беркитилган ўқитувчи ходим томонидан архивга топширилади.
- Буюртма асосида қабул қилиб олинган гувоҳномалар, сертификатлар ва дипломларнинг рўйхати серия рақамлари, марказ томонидан кимга ва қачон тарқатилган олувчининг шахсий имзолари ифодаланган муҳрланиб тикилган дафтар алоҳида папкага жойланади материалларни ҳар йилда Давлат архивига топшириш мажбурияти маъмурият томонидан ажратилган бўлим бошлиғи маъсул ва жавобгар шахс ҳисобланади.
- Марказ ўқиш жараёни ва ўқувчининг маърифат ва маънавият йўналишидаги ички тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқади ва тарғиб қилади.
- Марказ ўқишга қабул қилинган ўқувчининг марказ маъмурияти билан тузган иккитомонлама шартнома бандларига асосан иш юритади техника хавфсизлиги ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб боради ўқувчилар ходим педагоглар инструкция қилиниб баённомалар тузади.
- Ўқув машғулотларида таълим қонунларига зид бўлган адабиётлардан ва жихозлардан фойдаланиш таъқиқланади.

**Услубий кенгаш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:**


- Услубий кенгашнинг тасдиқланган иш режаси,
- Методик ишлар ҳақида маълумотлар йиғма жилди,

- Семинарлар, очик дарслар, тарбиявий маънавий маърифий соатлар жадваллари,
- Йиғилиш баённомалари,
- Услужий кенгашда муҳокама қилинган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар,
- Хужжатларни сақлашда кенгаш раиси ва котиби жавобгар ҳисобланади.

Хужжатлар уч йил сақланиб, сўнг архивга топшириб борилади.

### **Якуний қисм**

Мазкур низомни бузган шахслар, қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.



*Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий  
таълим йўналиши инновацион касб-ҳунар  
ёхуд ҳамширалар тайёрлаш маркази  
дипломига илова*

### **Диплом тавсифи**

Кенг йўналишли имлий ўқув ва услубий Тезкор-21 марказининг дипломи 155x42 мм ўлчовли яхлит копланган яшил (аъло даражали диплом қизил мармар) рангли лидеринда тайёрланган кўринишга эга. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда Ўзбекистон Республикаси гербининг тасвири туширилади ва ундан пастроқда давлат тилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ КЕНГ ЙЎНАЛИШЛИ ИЛМИЙ ЎҚУВ ВА УСЛУБИЙ ТЕЗКОР-21 ЎҚУВ МАРКАЗИ сўзи ёзилади. Аъло даражали дипломлар учун “KENG YONALISHLI ILMIY OQUV VA USLUBI TEZKOR-21 OQUV MARKAZI DIPLOMI” ва “METHODIKAL OPERATIONAL-21 CENTER OF BROAD-DIRECTION SCIENTIFIC TRAINING” сўзларидан қуйида қизил мармар рангли давлат тилида 2 аъло даражали” ва инглиз тилида with honou сўзлари ёзилади.

Дипломнинг ички вароқ ўлчами 142x105 мм жойлашиш тартиби горизонтал офсет босма усулда бўёқлар сони оддий 4+4+ аъло даражали -5+5 диплом муқова қисмида (Ҳамшира дипломи) 84x60/16 (15x10.5) см бувинил 4+4+ тангир рақам текст гарнитура Times New Roman ёзилади. Дипломнинг ҳар икки вароғида AN харфи билан тартиб рақами ёзилади.

Муқова материал ранги битирувчилар дипломи оч яшил аъло даражали битирувчилари учун қизил мармар рангли. Тўғри бурчакли ( юмшоқ ёстиқча) билан копланган қаттик муқова, муқова материали бумвинил (қоғоз қатлами асоси поливинилхлорид) оч яшил материал қалинлиги 80 гр сув белгили қоғоз.

Муқовада матн олтин ранг зарли қоғозда, диаметри 45 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси герби ва HAMSHIRA номи қиздирилиб нақш солиш йўли билан ёзилади. Қоғоз тафсилоти: қоғоз 100 фойизли пахта қалинлиги 80 + - г/кв.м, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури; ёруғликда яхши кўринадиган қор парчаси кўринишидаги асосий уч улчовли сув белгиси; кўринадиган рангли тола оч қизил тусда қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5-3мм, киприк шаклида диплом ички қоғозининг тўрт бурчагига нақш туширилган ва пастки қисмида китоб шаклидаги нақш кўз билан кўрилади, кўринмайдиган тола оч қизил пушти ранг мажмуаси ультрабинафша нурлари остида кўринади.

Босма тафсилоти; босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланилади, ички варақнинг асосий фони оч пушти ранг икки тангир сеткадан пайдо бўлган ингичка қор парчаси чизиғидан ташкил топган нусха кўчирмайдиган химоя воситаси сифатида хизмат қилади. тангир сеткаларнинг бири оч пушти қизилсимон рангга равон ўтади, ички варақ марказида диаметри 33 мм бўлган

Ўзбекистон Республикаси герби чоп этилади. Бланка ички қисмининг тўрт бурчагида мураккаб чизиқли нақш жойлаштирилади шакли ва зичлиги бир бирига қопланиб ягона зарҳални юзага келтиради қалбакиликдан нусха кўчирмайдиган ва сканерланмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қилади.

Ички варақнинг икки тарафи марказида Хумо қуши (23x30 мм ўлчамли қиёфасида) кўринмайдиган тасвир жойлаштирилади кичик матн бир неча бор катталаштирилганида кўринади узулуксиз чизиқни юзага келтиради ва такрорланадиган “KENG YONALISHLI ILMIY OQUV VA USLUBI TEZKOR-21 OQUV MARKAZI сўз бирикмасидан иборат матн чоп этилади нусха тушириш ва қалбакилаштиришдан ҳимояланади, серия AN ва олти хонали рақам, икки тарафда бир хил берилади, рақам қора флуоресценция буёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида оч пушти рангда ёруғлик сочади.



Дипломнинг чап томони  
Ўзбекистон Республикаси гербининг тасвири

OZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT TIBBIY TALIM YONALISHI  
INNOVATSION KASB-HUNAR MARKAZI

**DIPLOMI**

**AN № 000000**

\_\_\_\_\_ yilda \_\_\_\_\_ ga kirib

20 \_\_\_\_\_ yilda \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ning to'la kursini \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ yonalishi bo'yicha tamomladi.

Davlat attestatsiya komissiyasining 20 \_\_\_\_\_ yil \_\_\_\_\_ dagi

qaroriga binoan \_\_\_\_\_ ga

\_\_\_\_\_ Kasbi va

\_\_\_\_\_ ixtisosliklari berildi.

Davlat attestasiya

Dirrektor

M.O. komissiyasi rasi

kotib

\_\_\_\_\_ shahar \_\_\_\_\_ yil Ro'yxat raqam \_\_\_\_\_

REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
STATE DEPARTMENT OF MEDICAL EDUCATION  
INNOVATION PROFESSIONAL CENTER

**DIPLOMA**

**AN № 000000**

\_\_\_\_\_ he/she entered \_\_\_\_\_

and in 20 \_\_\_\_\_ he/she completed a full Course \_\_\_\_\_

By the decision of the State Attestation Commission on \_\_\_\_\_  
he/she is qualified as a \_\_\_\_\_

And has the following Professions \_\_\_\_\_

Chairman of the State \_\_\_\_\_ Direktor  
(Seal) \_\_\_\_\_ Attestation Commission \_\_\_\_\_ Secretari

City of \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_  
Registration \_\_\_\_\_

Марказни тамомлаган битирувчиларга диплом билан бирга ўзлаштиришнинг якуний баҳолари (рейтинг баллари)дан кўчирма варақ берилади. Диплом кўчирма варағида марказнинг номи, ўқув режасига мувофиқ равишда ўтилган фанлар ва улардан олинган рейтинг баллари, шунингдек, якуний давлат аттестацияси натижалари кўрсатилади.

*Марказ битирувчиси дипломига кўчирма варақ.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT TIBBIY TALIM YONALISHI  
INNOVASION KASB-HUNAR MARKAZI DIPLOMIGA ILOVA  
RAQAMLI DIPLOMGA ILOVA

(Ushbu Ilova diplomsiz kuchga ega emas)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20\_\_ yilda \_\_\_\_\_ ga kirib,

(o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasi nomi)

20\_\_ yilda \_\_\_\_\_

(kasb-hunar kolleji)

Markazni tamomladi va o'qish  
davrida quyidagi fanlarni o'rgandi hamda ushbu baholarni oldi:

T/r	Fanlar nomi	O'quv rejasida belgilangan soatlar miqdori	To'plangan reyting ballari
1	2	3	4
I. UMUM KASBIY FANLARI 496			
1.	Tibbiy terminologiya lotin tili asoslari	40	
2.	Farmokologiya va reseptura	76	
3.	Anatomiya fiziologiya va patologiya	74	
4.	Umumiy gigiena va ekologiya	57	
5.	Tibbiyot genetikasi	34	
6.	Mikrobiologiya va epidemiologiya asoslari	37	
7.	Valeologiya	36	
8.	Tibbiyot psixologiyasi	36	
9.	Tadbirkorlik va ishga joylashtirish texnologiyasi	106	
10.	KASBIY FANLAR	952	
11.	Xamshiralik ishi	166	
12.	Jamoadam xamshirlik ishi	107	
13.	Akushertlik va ginekologiyada xamshiraik ishi	107	
14.	Petdiyatriyada xamshiralik ishi	130	

T/r	Fanlar nomi	O'quv rejasida belgilangan soatlar miqdori	To'plangan reyting ballari
1	2	3	4
15.	Terapiyada xamshiralik ishi	150	
16.	Asab - ruxiy kasalliklarda xamshiralik ishi	67	
17.	Xirurgiya va reanimatsiyada xamshiralik ishi	158	
18.	Teri va tanosil kasalliklarda xamshiralik ishi	67	
II.KASBIY FANLAR 708			
1.	Oftalmologiyada xamshiralik ishi	68	
2.	Otorinolingologiyada xamshiralik ishi	39	
3.	Yuqumli kasalliklarda xamshiralik ishi	89	
4.	Favqulodda xolatlar tibbiyoti	50	
5.	Gerontologiyada xamshiralik ishi	39	
6.	Fiziyoterapiya va reabilitatsiya asoslari	135	
7.	Ishlab chiqarish amaliyoti	108	
8.	Diplom olish amaliyoti	180	
9.			
10.			
11.			
12.			
13.			
14.			
15.			
16.			
17.			
18.			
19.			
20.			
21.			
III.YAKUNIY DAVLAT ATTESTATSIYASI			
1.	Xamshira ishi		
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

MARKAZ DIREKTORI

Ishlab chiqarish ta'lim bo'yicha direktor o'rinbosari

\_\_\_\_\_ yil«\_\_\_\_\_ da berildi

Ro'yxatga olish raqami \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Давлат таълим йўналиши

кийуум

07.02.2017 йил

Йигилиш баённомаси-5 (беш) вароқ

Низом-10(ўн) вароқ

Диплом тавсифи-6 (олти) вароқ

Чикилди: 11.02.2017 йил



11.02.2017